

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

УБАЙДУЛЛАЕВА ДИЛОРА ҲАМИДОВНА

ПРЕСС АСОСЛИ ТУКЛИ ТРИКОТАЖ ТЎҚИМАЛАРИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ ВА ТУЗИЛИШИНИ, СИФАТ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторефератининг мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Убайдуллаева Дилора Ҳамидовна

Пресс асосли тукли трикотаж тўқималари олиш
технологиясини яратиш ва тузилишини, сифат
кўрсаткичларини тадқиқ қилиш..... 3

Убайдуллаева Дилора Ҳамидовна

Разработка технологии получения плющевого трикотажа на
базе прессового переплетения и исследование его структуры
и качественных показателей..... 21

Udaydullayeva Dilora

Development of plush knitting technology on the base of cardigan
interlooping and investigation of it's structure and qualitative
parameters..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

УБАЙДУЛЛАЕВА ДИЛора ҲАМИДОВНА

ПРЕСС АСОСЛИ ТУКЛИ ТРИКОТАЖ ТЎҚИМАЛАРИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ ВА ТУЗИЛИШИНИ, СИФАТ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т475 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб саҳифасида www.titli.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ханҳаджаева Нилуфар Рахимовна
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Холиқов Қурбонали Мадаминвич
техника фанлари доктори

Абдурахимова Фазилят Абдуллаевна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «9» июнь соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация иши билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (35-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2018 йил «22» май куни тарқатилди.
(2018 йил «22» майдаги 35-рақамли реестр баённомаси).

Қ. Жуманиязов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З. Маматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.Ш. Ташпулатов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси бюджетни шакллантирувчи иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. «Дунё миқёсида йилига 34 млн. тонна тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бу умумий ҳажмнинг 1/3 қисмини трикотаж маҳсулотлари ташкил этади. Тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган давлатларга Жанубий Осиё, Шарқий Осиё, МДХ, АҚШ ва Европани киритиш мумкин»¹. Ушбу йўналишда хомашёни қайта ишлаш технологиясини амалга оширишни мосланувчан автоматлаштирилган тизимларини яратиш, қайта ишлаш технологиясининг янги усуллари ва йўналишларини ишлаб чиқиш, ҳозирда қўлланилаётган машиналарни белгиланган талаблар асосида модернизация қилиш, юқори самарадорликка эга бўлган энерго ва ресурстежамкор технологик машиналар, жиҳозлар ва технологияларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда трикотаж саноати учун замонавий илм-фан ва техникани ютуқларидан самарали фойдаланишни назарда тутадиган инновацион техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиш, инновацион технологиялар асосида трикотаж тўқув машиналарининг технологик имкониятларини такомиллаштириш, ассортимент турларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикада кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, унинг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»² вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан трикотаж ишлаб чиқариш корхоналарида бошланғич кўрсаткичларига боғлиқ равишда қайта ишланаётган хомашёдан белгиланган сифатли трикотаж маҳсулотларини олишни таъминлаш мақсадида хомашёдан самарали фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва

¹<https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-2687-сон «Тўқимачилик ва тикув трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хомашё сарфини камайтириш, трикотаж сифатини ошириш, тўқималар тузилиши ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича дунёда Е.Харима, С.Ерисуэ М. Yamaoka Takashi, А. Pinar, К. Kopias, Р. Bernard Corbman, Linda Oscarsson, William K. Lie, Р. Edward каби олимларнинг изланишларида ўз ифодасини топган.

Трикотаж технологиясининг назарий методологик асослари ривожланишига оид фундаментал ишлар А.С. Далидович, Л.И. Кудрявин, Б.С. Окс, В.М. Лазаренко, И.Г. Цитович, А.А. Гусева, А.А. Нешатаев, Г.М. Гусейнов, Г.Г. Савватеева, ва бошқалар томонидан нашр этилган бўлса, О.Н. Марисова, М.М. Мукимовлар трикотаж тўқимасининг структуравий элементларини трикотаж тўқимаси хусусиятларига таъсирига оид илмий изланишлар олиб борган. Трикотаж тўқималарини олишда маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш йўналишида олиб борилган илмий тадқиқот ишларида олимларимиз Ш.Р. Икрамов, Л.И. Гарибян, Б.Ф. Мирусманов, А.Э. Исабаев, Н.Р. Ханхаджаева, К.З. Юнусов, Қ. Холиқовлар самарали изланишлар олиб борган.

Аксарият тадқиқотлар фақат муаммоларнинг бир қисмини қамраб олган бўлиб, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хомашё сарфини камайтириш, енгил тузилишли, ресурстежамкор нақшли трикотаж тўқима ассортиментларини олиш технологиясини яратиш масалаларига бағишланган илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаган. Ушбу ҳолат трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хомашё сарфини кам талаб қиладиган юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган нақшли трикотаж тўқималарини олиш технологиясини яратишга оид тадқиқотлар ўтказишга асос бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2011-4-4 «Ресурстежамкор трикотаж тўқималарини олиш технологиясини яратиш» ва БА-3-18 «Шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган ва гигиеник хусусиятлари яхшиланган икки қатламли трикотаж тўқималарини олишнинг ресурстежамкор технологиясини ўзлаштириш» мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пресс асосли тукли трикотаж тўқималарини олиш технологиясини такомиллаштириш ҳисобига трикотаж маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пресс тўқимаси асосида бир ва икки томонли тукли ҳамда футер трикотаж тўқималарини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш;

енгил тузилишли икки томонли тукли трикотаж тўқимасининг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш;

нақшли трикотаж тўқималар олишда тўқима раппортига мос равишда тук ҳалқаларини эгувчи мослама яратиш;

ҳалқа хосил қилиш жарёнида тук ипини эгишда тарангликни камайтиришни назарий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида трикотаж тўқималари, уларнинг тузилишлари, улар асосида олинган янги тузилишдаги тўқималар, трикотаж тўқув машиналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети янги тузилишдаги трикотаж тўқималарининг тузилиши ва олиш технологиялари, трикотаж тўқималари ассортименти, янги таклиф этилган трикотаж тўқималарини технологик параметрлари ва физик-механик хусусиятларини ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида трикотаж назарий асослари ва назарий механиканинг умумий тадқиқот натижаларини олиш имконини берувчи назарий-экспериментал усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пресс тўқимаси асосида бир ва икки томонли тукли ҳамда футер трикотаж тўқималарини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқилган;

енгил тузилишли икки томонли тукли трикотаж тўқимасининг ресурстежамкор технологияси ишлаб чиқилган;

нақшли трикотаж тўқималар олишда тўқима раппортига мос равишда тук ҳалқаларини эгувчи мослама яратилган;

тук ипи таранглигига эгиш чуқурлиги, отбой тишининг кўтарилиши ва қамров бурчагининг боғлиқлиги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пресс асосли бир ва икки томонли тукли трикотаж тўқимасини олишнинг янги тузилишли ресурстежамкор усули ишлаб чиқилган;

тук ипини эгувчи махсус қуролма ёрдамида нақшли тўқима раппортига мос равишда трикотаж тўқималарининг янги вариантлари ишлаб чиқилган;

футер ипини отбой тишларида эгиш натижасида ёйи узайтирилган футер тукли трикотаж тўқимасини янги тузилиши ва олиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг мослиги, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлиги, шунингдек, натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларни кўриб чиқилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тукли ва футер трикотажд тўқималарини янги тузилишини ва олиш усулларини ишлаб чиқиш, айлана игнадонли трикотаж машинасида тукли трикотаж тўқимасини олишда тук ипи таранглигини камайтириш билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган, гигиеник ва харидоргирлик хусусиятлари яхшиланган пресс асосли тукли ва футер трикотаж тўқималарини олишнинг ресурстежамкор технологиясини таклиф этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Трикотаж машиналарида янги тузилишдаги пресс асосли тукли трикотаж тўқималарини олишни такомиллаштириш ва ресурстежамкор технологияларни яратиш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

тукли трикотаж тўқималарини олиш қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти («Трикотаж туклари илмоқларини ҳосил қилиш учун қурилма»; №IAP 04090-2007й.) олинган. Натижада нақшли тўқималар олишда тўқима раппорти бўйича ипларни эгишда 10 % хомашё сарфи камайиши имкони яратилган;

тукли трикотаж тўқималарининг янги тузилишига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделларга патентлари олинган («Икки томонлама тукли трикотаж» № FAP 00489-2009й., «Ясси игнадонли машина» № FAP 00538-2008й.). Натижада хомашё сарфи 10% га камайиш имкони яратилган;

ишлаб чиқилган пресс асосли ва футер тукли трикотаж тўқималари «Ўзбекенгилсаноат» АЖ тасарруфидаги «Uz Teks Chirchig (UZ TEKS Tashkent)» МЧЖ корхонасида жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖ нинг 2017 йил 27 октябрдаги ДМ-157-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида хомашё сарфини ипларнинг чизикли зичлигини ўзгартириш ҳисобига 20 % га, ҳар хил турдаги иплардан фойдаланиш ҳисобига 10 % га камайтириш орқали ресурстежамкорликка эришиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 14 илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 5 та ҳалқаро, 9 та Республика илмий конференцияларда ва 3 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 27 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (11 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 3 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот вазифаларини қўйиш ва муоммани ўрганиш даражаси**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар манбаининг аналитик таҳлили келтирилган бўлиб, унда А.С. Далидович, И.И. Шалов, Л.И. Кудрявин, В.Ю. Джермякян, В.А. Иванов ва бошқаларнинг трикотажд машиналарида тукли трикотаж тўқималари олишнинг янги технологияларини яратиш ҳамда тукли трикотаж тўқималарининг иссиқлик сақловчанлик хусусияти ва шакл сақловчанлик хусусиятлари юқори бўлган тўқималар олиш йўналишида олиб борилган илмий ишлар ўрганилди.

Глад асосида олинган тукли трикотаж тўқимасининг шакл сақлаш хусусияти паст бўлиб, бу эса ундан фойдаланиш мақсадини чегаралайди.

Асос ва тук иплари эгиш чуқурлигининг сезиларли фарқи, тукли трикотаж тўқимасининг эгиш жараёнида ипни эгувчи игналар, платиналар ва отбой тишлари сони ошиб кетишиши кузатилади, бундан эса ипларнинг таранглик даражаси ошиб, узилишига олиб келади.

Ушбу ишнинг асосий мақсади кўндаланг тукли трикотаж тўқималари олиш технологиясини такомиллаштириш бўлиб, шакл сақлаш хусусияти юқори ва ҳомашё сарфи кам бўлган тўқима тузилишларини олишдан иборат.

Тукли трикотаж ишлаб чиқаришда ҳалқа ҳосил бўлиш жараёнини такомиллаштириш ҳам ушбу ишнинг асосий масалаларидан бири.


Диссертациянинг «**Кўндаланг трикотаж тўқималарини олиш технологиясини такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида кўндаланг тукли трикотаж тўқимаси олиш технологиясини такомиллаштириш тадқиқоти берилган.

Тадқиқот натижалари бир ва икки игнадонли трикотаж тўқув машиналарида олинган тукли трикотаж тўқималарининг юза зичлигини камайтиришни: тўқима юзасида тук протяжкалар сонини камайтириш; асосий тўқима тузилишини ўзгартириш; асос тўқимага тук ипларини ҳар хил усулларда маҳкамлаш; тукли трикотаж тўқимасининг ҳар хил турларини аралаштириш (ёпқичли, футерли, арқоқли ва бошқалар); нақшли рельеф тукли трикотаж тўқималари ишлаб чиқиш; тук ва асос ипларига чизикли зичлиги кичик бўлган иплардан фойдаланиш орқали амалга ошириш мумкинлигини белгилаб берди.

Проф. М.М. Муқимов тамонидан тукли трикотаж тўқималарининг ҳажм зичлигини камайтириш ва шакл сақлаш хусусиятини ошириш мақсадида аралаш тўқималар асосида ишлаб чиқиш тавсия қилинган. Бундай трикотаж

тўқимасида айрим ҳалқалар олдинги ҳалқа қаторидан ҳамда асос ва тук ипларининг очиқ ҳалқалара орқали тортилиб туради. Ушбу трикотажд тўқимасининг асосини аралаш тўқималар ҳосил қилади, яъни, ҳосилалли глад тўқима қатори, пресс тўқимаси билан алмашиб келади. Бунда ҳосилалли глад ҳалқалари битта асос ипидан, пресс ҳалқалари иккита ипдан – тук ва асос ипидан ҳосил бўлади. Пресс тўқимаси глад тўқимасига нисбатан авфзаллиги четлари бўйлаб буралмайди, кам чўзилади, шаклини яхши сақлайди.

Ҳомашё сарфини камайтириш мақсадида энгил тузилишли икки томонлама тукли трикотаж тўқимаси олиш усули яратилди. Тўқима раппорти тўртта ҳалқа қаторидан иборат (1-расм).



1-расм. Икки томонли тукли трикотаж тўқимасининг тузилиши ва график чизмаси


Тавсия этилаётган энгил тузилишдаги икки томонли тукли трикотаж тўқимаси олиш мақсадида айлана игнадонли трикотаж тўқув машиналарида ҳамма тук ҳалқалари алоҳида тук ва асос ипларидан тук протяжкаларини ҳосил қилиб, тўқима икки томонида шахмат тартибида жойлашади. 1-расмда кўрсатилганидек, икки томонли тукли трикотаж тўқимаси узайтирилган тук протяжкалари 1, асос ипи 2 билан тўқиманинг бир томонида, иккинчи томонида эса шахмат тартибида узайтирилган тук протяжкалари 3, асос ипи 4 билан бирга ташкил қилади.

Ярим мунтазам усулда маҳсулотлар ишлаб чиқаришда айлана игнадонли трикотаж тўқув машиналарининг технологик имкониятидан самарали фойдаланиб, таклиф этилаётган усулда ёпқич тукли трикотаж тўқималар асосида купонлар олиш мумкин.


Трикотаж тўқималари ассортиментларини кенгайтириш, истеъмол талабини қондириш ва ҳомашё сарфини камайтириш мақсадида нақшли тукли трикотаж тўқималари олиш қурилмаси таклиф этилган.

2-расмда эгиш ғилдирагининг умумий ташқи корпуси кўрсатилган бўлиб, ғилдирак ўқиға параллел равишда жойлашган оралиқ тирқиш 1 мавжуд. 3-расмда шу тирқишларга ўрнатиладиган (нақш раппорти бўйича) сараловчи эгиш платиналари 2 нинг чизмаси кўрсатилган. Эгиш платинаси эгиш ғилдираги корпуси 3 дан алоҳида \perp шаклда тайёрланади (4-расм). Эгиш ғилдираги 3 нинг корпуси тирқиши 1га эгиш платинаси 2 худди шу шаклда ўрнатилади. Сараловчи платина маҳкамловчи шайба 4 ва болт 5 билан қотирилади.


Сараловчи платиналарни нақш раппорти бўйича эгиш ғилдираги 3 нинг ҳар хил оралиғи 1 га ўрнатиш мумкин, ҳалқалар ва узун тук протяжкалари берилган меъёр талаблари бўйича тайёрланади.



2-расм. Эгиш ғилдирагининг умумий кўриниши



3-расм. Эгиш ғилдирагининг умумий кўриниши (А-кўриниши)



4-расм. Эгиш ғилдирагининг сараловчи платинаси (В-кўриниши)

Яратилган айлана игнадонли трикотажд тўқув машиналари учун тук ипини эгиш қурилмаси тук ҳалқаларини эгиш жараёнида таранглигининг ошмаслигини ва тук ҳалқаларининг эгиш чуқурлигини ўзгартириши, енгил тузилишдаги икки тамонли тукли трикотаж тўқималарининг юза зичлиги кичик бўлган тўқима турларини олиш имконини беради ва бу тўқималардан болалар ва устки кийимлар олишда фойдаланилади.

Маълумки, тукли трикотаж тўқималарида тук юзаси тук ипини тараш орқали ҳосил бўлмасдан, балки футер ҳалқаларининг узунлигини ошириш ҳисобига олинади. Худди шундай, футер тукли трикотаж тўқимаси олишда тўқима юзасида узун футер протяжкаларини шакллантириб олиш мумкин. Бундай футер тукли тўқималарини ишлаб чиқариш тукини тараш усулида олинган футер тукли тўқималарига нисбатан фойдаланиш имконини камайтирмайди, балки уларни қўллаш кўламини кенгайтиради.

Ясси ва айлана игнадонли трикотаж тўқув машиналарида ишлаб чиқариладиган футер тукли трикотаж тўқималарининг тузилиши таҳлил қилиниб, маълум бўлдики, барча футер тукли трикотаж тўқималари учун: асосидаги қўшимча ип футер ипига ўхшаб маҳкамланади, протяжкалар тўқиманинг орқа томонида тук ҳалқаси каби ҳосил бўлади. Бундай трикотаж тўқимасининг қалинлиги тук протяжкаларининг тузилишига ва узунлигига боғлиқ.


Мана шуларни эътиборга олиб, футер трикотаж тўқимасининг тук самарасини берадиган янги тузилишлари ва олиш усулларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада глад асосидаги тук самараларини берувчи янги футер трикотаж тўқималари таклиф этилди.

Трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш ва КН-323D русумли ясси фанг трикотаж тўқув машиналарининг технологик имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида янги тузилишли тукли трикотаж тўқимасининг тўртта варианты олинди, бунда ҳомашё пахта $T = 20 \text{ teks} \times 3$ ипидан фойдаланилди.

Асос тўқима қилиб футер трикотаж тўқимасининг футер протяжкалари одатдаги узунлиги олинди (1-вариант).

Яратилган янги футер тукли трикотаж тўқимаси IV вариантынинг тузилиш ва график ёзуви 5-расмда келтирилган. Трикотаж тўқимаси асос ҳалқаларидан 1 ва узайтирилган тук протяжаларидан 2 ташкил топган.

Футер протяжаларининг узунлиги тўқимада тук протяжалари билан бир хил, демак футер иплари ҳосил бўлишида иккинчи игнадон игналарида эгилади. Шунинг учун олинган трикотаж тўқимасини тукини чиқармасдан ишлатиш мумкин.



5-расм. Футер тукли трикотаж тўқимаси IV вариантынинг тузилиши ва график ёзуви

Футер тукли трикотаж тўқимасининг IV-варианти олишда ипларни қўйиш рапорти (1+1) тенг бўлади, яъни ҳалқа ҳосил қилиш жараёнида футер ипи битта игнанинг асосига қўйилса, иккинчи игнанинг орқасига қўйилади. Натижада футер ипини эгиш жараёнида қатнашувчи игналар ва қўшимча элементлар сони ёпқич тукли трикотаж тўқимаси олишдагига нисбатан икки марта камаяди. Бу эгиш жараёнида футер ипи таранглигининг камайишига олиб келади.


Диссертациянинг «**Ҳалқа ҳосил қилиш жараёнида тук ипи таранглигининг назарий тадқиқи ва уни камайтириш усуллари**» деб номланган учинчи бобида ҳалқа ҳосил бўлиш жараёнида тук ипи таранглигини камайтириш йўллари тадқиқоти олиб борилган.

Бизга маълумки, тукли трикотаж тўқимаси ҳосил қилиш жараёни асос ва тук иплари эгиш чуқурлиги фарқи асосида ҳосил бўлади, бунда катта эгиш чуқурлигида тук ипи бўлиб, уни эгиш жараёнида бир вақтда эгилувчи игналар сони ортиб кетади ва игналарда, платиналарда ва отбой тишларида эгилувчи ипларнинг таранглик даражаси ҳам ошади. Эгиш чуқурлигининг ошиши билан ипларнинг таранглиги ортади, бундан тук ипларининг таранглигидан асос ипининг таранглиги бир неча бор ортиб кетади.

Олиб борилган тажриба шуни кўрсатди, 10 класс айлана игнадонли трикотаж тўқув машиналарида тукли трикотаж тўқималарини олишда тук ипи учун 62 текс ли пахта ипидан фойдаланилганда энг катта эгиш чуқурлигига эга бўлиб, унинг катталиги $h_k=8,5$ mm ни ташкил этди. Эгиш чуқурлигини яна оширишдан тук ипининг таранглиги сезиларли ошиб, унинг узилишига олиб келади.

Ипларнинг таранглик даражасини камайтириш учун ҳар хил конструкцияли ҳалқа ҳосил қилувчи ишчи қисмлар таклиф қилинган.

Тук ипларининг эгилишида таранглигини камайтириш ҳамда айлана игнадонли трикотаж тўқув машиналарида тук ипини эгиш учун ишчи қисмларнинг бир-бирига қарама-қарши ҳаракати, яъни, ҳаракатланувчи отбой тишларидан фойдаланиш тавсия этилади (6-расм).



6-расм. Тук ипини ҳаракатланувчи отбой тишлари ёрдамида эгиш жараёни.

Расмдан кўриниб турибдики, тук ипларини олгандан кейин отбой тишлари I-IV бир вақтнинг ўзиде игналар 1, 2, 3 биргаликда ўзаро қарама-қарши томонга ҳаракатланади. Бундан эгиш жараёнида иштирок этувчи ишчи қисмлар сони ошмасдан тук ипи қўшимча равишда тортилади. Натижада қамров бурчак йиғиндиси ошмайди, демак тук ипи таранглиги кам бўлади.


Бундан ташқари отбой тишлари ўрнига айланувчи ғилдираклардан фойдаланишнинг фойдали томони тук ипларининг тортилишини камайтиради, бунда айланувчи ғилдиракларда тук ипи ишқаланиш кучи камайяди. Бу эса эгиш жараёнида ипларнинг таранглигини камайтиради, тукли трикотаж тўқималарининг тук протяжалари узунлигини ўзгартириш диапазонини кенгайтиради.

Ипни эгиш жараёнининг энг катта эгиш чуқурлигида бир вақтда эгилувчи игналар сони ошиб кетади, бундан игналарда, платиналарда ёки отбой тишларида ипларнинг тортилиши ва таранглиги ортади. Нақшли трикотаж тўқималари олишда ипнинг таранглиги бир неча бор ортиб кетади. Бир вақтда эгилувчи игналар сони эгиш чуқурлигига, эгиш бурчагига ва игна қадамига боғлиқ.

Эгиш жараёнида ипларнинг таранглигини камайтиришнинг энг самарали усулидан бири қамров бурчак йиғиндисини камайтириш. Бунинг учун ипни эгиб берувчи отбой тишлари ўрнига ўз ўқи атрофида айланувчи ғилдиракчалар ўрнатилади, эгилаётган ип таъсирида ғилдирак ўз ўқи атрофида айланади ва игналар пастга ҳаракат қилади.

Эгиш жараёнининг тадқиқотини бешта босқичда ўрганилди. Эгиш жараёнини математик модели қилиб қабул қилинди ва ҳисоб чизмаси қурилди (7-расм).

Бошқа игналарга нисбатан эгиш жараёнида игналарда 5 (7-расм) таранглик катта, бундан эгиш жараёнида қатнашадиган игналар сони ортади ҳамда энг катта эгиш чуқурлиги 5 игнада рўй беради.



7-расм. 5 босқич эгишда 1', 2', 3', 4', 5' игналарнинг ва 1'' 2'', 3'', 4'', 5'' отбой тишларининг жойлашиш чизмаси

Иккита ҳолат кўрилди: биринчиси, эгиш жараёнида игналар пастга тушади, отбой тишлари кўзғалмас, отбой тишлари, эгиш жараёнида игналар пастга тушади, отбой тишлари тепага кўтарилади ҳамда отбой тишларига ўрнатилган ғилдиракчалар айланади. Асосий эътибор иккинчи ҳолатга қаратилиб, демак, тарангликни ўзгартириш бир вақтнинг ўзида отбой тишларини кўтариш ва игналарни пастга туширишда кузатилади.

Эгишда ипларнинг таранглиги ипларни қамраш бурчак α катталигига, отбой тишлари ва игналар эгилувчанлигига боғлиқ. Ушбу ҳолатда тадқиқот $h_{01}=5 \text{ mm}$, $h_{02}=2,5 \text{ mm}$ ҳолатда олиб борилган, яъни игналар $h_{01}=5 \text{ mm}$ эгиш чуқурлигига тушади, шу вақтнинг ўзида айланадиган ғилдиракли отбой тишлари $h_{02}=2,5 \text{ mm}$ баландликка кўтарилади. 7-расмда 5', 4', 3', 2', 1' игналарнинг ва отбой тишлари 5'', 4'', 3'', 2'', 1'' жойлашиш чизмаси келтирилган, эгиш 5 босқичда иккинчи ҳолат учун $t_4 < t < t_5 = t_0$.

Стрелкалар билан отбой тишларига ўрнатилган ғилдиракларнинг йўналиши кўрсатилган. Эгилаётган ипнинг таранглиги T билан белгиланган.

Қамров бурчаклари $\alpha(t)$ ва $\beta(t)$ топилади:

$$\alpha = \arcsin \frac{h_1(t) - R_1 - R}{\sqrt{s^2 + (h_1 - R - R_1)^2}} + \arcsin \frac{R_1 + R}{\sqrt{s^2 + (h_1 - R - R_1)^2}} \quad (1)$$

$$\beta = \arcsin \frac{h_1 + h_2 - R_1 - R}{\sqrt{s^2 + (h_1 + h_2 - R_1 - R)^2}} + \arcsin \frac{R_1 + R}{\sqrt{s^2 + (h_1 + h_2 - R_1 - R)^2}} \quad (2)$$

Кейин тармоқдаги ипларнинг эгиш жараёнида босқич бўйича эгиш чуқурлиги $h_{01}=5 \text{ mm}$, отбой тишларининг кўтарилиш катталиги $h_{02}=2,5 \text{ mm}$ бўлганда $h_{01} \geq h_{02}$ шарт бажарилиши керак. Қуйида чап ва ўнг тармоқдаги эгилувчи ипларнинг бешта игна учун тортилиши келтирилган:

$$t_4 \leq t \leq t_5 = t_0$$

$$T_{111} = T_0 \exp(\mu\alpha(t, t_4)) - v(t, t_4)^2 (\exp \mu\alpha(t, t_4)) - 1$$

$$T_{121} = T_{111} \exp(\mu(\alpha(t, t_4) + \beta(t, t_4)))$$

$$T_{212} = T_{121} \exp(\mu(\alpha(t, t_3) + \beta(t, t_4))) - v(t, t_3)^2 (\exp(\mu(\alpha(t, t_3) + \beta(t, t_4)))) - 1$$

$$T_{222} = T_{212} \exp(\mu(\alpha(t, t_3) + \beta(t, t_3)))$$

$$T_{313} = T_{222} \exp(\mu(\alpha(t, t_2) + \beta(t, t_3))) - v(t, t_2)^2 (\exp(\mu(\alpha(t, t_2) + \beta(t, t_3))) - 1)$$

$$T_{323} = T_{313} \exp(\mu(\alpha(t, t_2) + \beta(t, t_2)))$$

$$T_{414} = T_{323} \exp(\mu(\alpha(t, t_1) + \beta(t, t_2))) - v(t, t_1)^2 (\exp(\mu(\alpha(t, t_1) + \beta(t, t_2))) - 1)$$

$$T_{424} = T_{414} \exp(\mu(\alpha(t, t_1) + \beta(t, t_1)))$$

$$T_{515} = T_{424} \exp(\mu(\alpha(t, 0) + \beta(t, t_1))) - v(t, 0)^2 (\exp(\mu(\alpha(t, 0) + \beta(t, t_1))) - 1)$$

$$T_{525} = T_{515} \exp(\mu(\alpha(t, 0) + \beta(t, 0)))$$

Отбой тишлари ўрнига ўрнатилган ўз ўқи атрофида айланувчи, эгилувчи ип ёрдамида айланадиган ғилдиракчали қурилма ипларнинг эгиш жараёнида таранглигини камайтиради. Ўз ўқи атрофида айланувчи ғилдирак ёрдамида отбой тишлари кўтарилиш вақтида ипнинг таранглиги ҳаракатланмайдиган отбой тишларига нисбатан 11-19 % га камаяди.

Диссертациянинг «Нақшли тукли трикотаж тўқималари технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларининг тадқиқи» деб номланган тўртинчи бобида тукли трикотаж тўқималари технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларининг тадқиқи ўрганилиб натижалари келтирилган. Тўқима рапортдаги пресс халқалари миқдорининг технологик кўрсаткичларига ва физик-механик хусусиятларига таъсирини ўрганиш мақсадида 10 класс айлана трикотаж тўқув машиналарида тукли трикотаж тўқимасининг 6 та вариантлари олинди. Асос ипига чизиқли зичлиги 18,5x4 текс пахта ипи, тук ипига полиакрилонитрил 31 текс ли иплардан фойдаланилди. Тукли тўқиманинг асоси қилиб икки томонли тескари тўқимаси олинди (1-вариант).

Ўлчаш натижалари шуни кўрсатдики (1-жадвал), тўқима рапортда пресс халқалар миқдорини ўзгартириш билан тукли трикотаж юза зичлиги ошади (8-расм).

Юза зичликнинг ўзгариш қонуниятини белгилаб олиш учун, биз томондан математик модел таклиф этилди, унга кўра юза зичликнинг ўзгариш даврийлиги тўқима рапортдаги пресс халқалар миқдори билан баҳоланади.

1-жадвал

Пресс асосли тукли трикотаж тўқимасининг технологик кўрсаткичлари

Вариантлар	Асос тўқима рапортдаги пресс халқалар миқдори, %	Халқа қадами A, mm	Халқа катори баландлиги, B, mm	Тўқима зичлиги		Тўқима қалинлиги, T, mm	Юза зичлиги, Ms, g/m ²	Ҳажм зичлиги, δ, mg/sm ³	Ҳақиқий ҳажм энгиллик, Δδ, mg/sm ³	Нисбий энгиллик, θ, %
				Энига, P _г	Бўйига, P _в					
I	0	2,17	1,02	23	49	1,28	380	296		
II	7	2,28	1	22	50	1,32	391	295	1	0,3
III	8,3	2,28	0,98	22	51	1,35	395	293	3	1
IV	10	2,27	0,98	22	51	1,37	398	290	6	2
V	12,5	2,28	0,96	22	52	1,43	403	280,9	15,1	5,1
VI	14	2,5	1	20	50	1,49	411	275	21	7,0
VII	25	2,5	0,94	20	53	1,56	425	273	23	8,0

Натижада, статистик маълумотлар математик қайта ишланиб, қуйидаги тенгламага эга бўламиз:

$$M_s = 0,464x^2 + 2,821x + 379,8; r^2 = 0,96$$

Бу ерда: M_s – трикотаж тўқимаси юза зичлиги, g/m^2 ;


x – тўқима раппортидаги пресс ҳалқалар миқдори, %;

r – корреляция коэффиценти.

Тенгламадан кўриниб турибдики, юза зичликнинг тўқима раппортида пресс ҳалқалар миқдорига боғлиқлиги чизиқли тавсифга эга бўлиб, қабул қилинган математик моделдан олинган юқори корреляция коэффиценти тўғрилигини кўрсатади.



8-расм. Асос тўқимаси раппортидаги пресс ҳалқалари миқдорининг тукли трикотаж юза зичлигига боғлиқлиги



9-рам. Тукли трикотаж тўқима ҳажм зичлигининг асос тўқима раппортидаги пресс ҳалқалар миқдорига боғлиқлиги

Трикотаж тўқимасининг юза зичлиги ва қалинлиги маълум бўлса, унинг ҳажм зичлигини аниқлаш мумкин.

Тўқима раппортидаги пресс наброскалари сонининг ошиши билан тўқима ҳажм зичлигининг камайиши боғлиқлик графиги 9-расмда келтирилган.

Тўқима ҳажм зичлигининг ўзгариши таҳлилига кўра, мана шу иккита кўсаткич ва пресс наброскалари сони ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги тенглама орқали ифодалаш мумкин:

$$\delta = -4,325x + 303,43; r^2 = 0,96$$

Бу ерда: δ – тўқима ҳажм зичлиги, mg/mm^3

x – тўқима раппортидаги пресс ҳалқалар миқдори, %

r – корреляция коэффиценти.


Ҳисобий ва тажибавий кўрсаткичлар даражаси корреляция коэффиценти қийматининг бирга яқинлашиши орқали белгиланади.

Пресс асосида олинган тукли трикотаж тўқимаси намуналарининг физик-механик кўрсаткичлари стандарт усулларда ТТЕСИ қошидаги «CENTEX-UZ» синов лабораториясида ўтказилиб, натижалар 2-жадвалда келтирилди.


Пресс асосли тукли трикотаж тўқимасининг физик-механик хусусиятлари

Вариантлар	Тўқима раппортида пресс ҳалқалар миқдори, %	Узилишдаги мустаҳкамлиги, N		6 N да узайиш, %		Узилишдаги узайиши, %		Ҳаво ўтказувчанлиги $\text{sm}^3/\text{sm}^2\text{sek}$	Иссиқ сакловчанлиги, %	Қисқариши, %	
		Бўйига	Энига	Бўйига	Энига	Бўйига	Энига			Бўйига	Энига
I	0	154,3	212,3	4,1	0,5	106,3	170,6	192	43,4	-1	-1
II	7	148,7	205,6	2,5	5,1	62,5	174,2	198	43,2	-1	+1
III	8,3	123,2	204,2	2,9	5,2	60,4	175,3	205	43,1	-2	+1
IV	10	136,5	210,6	2,7	5,06	61,2	177,8	212	42,9	-1	+1
V	12,5	134,2	190,3	2,6	5,6	59,5	177,6	214	43	-1	+2
VI	14	125,6	184,2	2,5	5,9	52,4	182,1	216	42,6	-1	+1
VII	25	118,9	178,6	2,4	6,4	48,7	189,6	221	42,7	-2	+2


Пресс асосли тукли трикотаж тўқималарининг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиб, энг яхши вариантларни аниқлашда ўзгариш гистограммаси орқали баҳоланди (10, 11, 12, 13-расмлар).




10-расм. Тукли трикотаж узилишидаги мустаҳкамликнинг асос тўқима раппортидаги пресс ҳалқалар миқдорига боғлиқлиги



11-расм. Тукли трикотаж узилишидаги узийишининг асос тўқима раппортидаги пресс ҳалқалар миқдорига боғлиқлиги



12-расм. Тукли трикотаж 6 N да узайишининг асос тўқима раппортидаги пресс ҳалқалар миқдорига боғлиқлиги



13-расм. Тукли трикотаж қисқаришининг асос тўқима раппортидаги пресс ҳалқалар миқдорига боғлиқлиги

Олинган тўқима намуналарининг узилишдаги мустаҳкамлиги, узилишдаги узайиши, 6 N да узайиши ва қисқариши каби сифат кўрсаткичлари баҳоланди.

Гистограмма таҳлилига кўра, пресс асосли тукли трикотаж тўқимасининг II, IV, VI вариантлари технологик кўрсаткичлари ва физик механик хусусиятлари энг юқори бўлиб, гигиеник ва истеъмол талабларга жавоб беради.

КН 323D русумли ясси фанг трикотаж тўқув машиналарида олинган футер тукли трикотаж тўқимасининг технологик параметрлари ҳамда асоси футер тукли трикотаж тўқималарининг футер протяжалари оддий узунликда бўлган (I-вариант) тўқималар технологик кўрсаткичлари стандарт усулларда аниқланди. Ўлчаш натижалари 3-жадвалда берилди.

3-жадвал

Пахта ипидан олинган футер трикотаж тўқимасининг технологик кўрсаткичлари

Вариантлар	Ипнинг чизиқли зичлиги, teks		Халқа қадами, A, mm	Халқа қатори баландлиги, B, mm	Кўндаланг бўйича зичлиги, P _г	Бўйлама бўйича зичлиги, P _в	Халқа ипи узунлиги, mm		Тўқима юза зичлиги, Ms g/m ²	Қлинлиги, T, mm	Ҳажм зичлиги, δ mg/sm ³	Ҳақиқий енгиллилик, Δδ mg/sm ³	Нисбий енгиллилик, θ %
	Асос ипи	Тук ипи					Тук ипи, L1	Асос ипи, L2					
I	20 x 3	20 x 3	1,19	0,83	42	60	3,6	5,2	318	0,89	357	-	-
II			1,66	1,25	30	40	9,4	5,5	437,5	1,31	334	23	7
III			1,66	1,11	30	45	9,14	5,6	380,5	1,2	317	40	11
IV			1,66	1,25	30	40	9,3	5,7	390	1,25	312	45	13

Футер тукли трикотаж тўқимаси намуналарининг физик-механик хусусиятлари стандарт усулларда тажриба йўли билан аниқланди, олинган натижалар 4-жадвалда берилган.

4-жадвал

Пахта ипидан олинган футер трикотаж тўқимасининг физик-механик хусусиятлари

Вариантлар	Ипнинг чизиқли зичлиги, Teks	Ҳаво ўтказувчанлиги, sm ³ /sm ² s	Ишқаланишга чидамлилиги, давр	Узилиш кучи, P _p , N		6 N да узайиш, %		Узилишдаги узайиш L, (%)		Пластик деформация, (%)		Эластик деформация 0, (%)		Қисқариши (%)	
				Бўйига	Энига	Бўйига	Энига	Бўйига	Энига	Бўйига	Энига	Бўйига	Энига	Бўйига	Энига
I	20x3	46,2	2,0	302	197	1,5	2,7	78	89,2	11,8	14	88,2	86	11,2	-1,2
II	20x3	66,9	15,0	294	220	1,5	3,1	74,6	113	12,6	13,5	87,4	86,5	11,4	-2
III	20x3	46,3	36,0	317	208	1,2	2,8	64,3	97,4	13,2	15,3	86,8	84,7	12	-1,3
IV	20x3	51,1	25,0	299	203	1,6	2,9	79,7	97,4	9,5	12,6	90,5	87,4	11,2	-1,8

Тадқиқот натижаларини шуни кўрсатдики, футер тукли трикотаж тўқимасининг футер протяжкалари узунлигини ошириш билан тўқиманинг ҳажм зичлигини камайтириш ва физик-механик хусусиятини яхшилиш мумкин.

Бундан ташқари ишда тукли трикотаж тўқималарининг физик-механик хусусиятлари, асосий кўрсаткичлари, ҳомашё тури таркибидаги тук ва асос иплари чизиқли зичлиги, тури, хусусиятларининг бир-бирига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларини МЧЖ «Uz Teks Chirchik» корхонасида ишлаб чиқаришга тадбиқ этиб олинган иқтисодий самарадорлик ҳисобланди.

Тадқиқот натижаларини маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга тадбиқ этиш билан ассортимент турлари кенгайиб ва олинган иқтисодий самарадорлик 1 тонна пахта ипи қайта ишланганда 1 496 000 сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

“Пресс асосли тукли трикотаж тўқималари олиш технологиясини яратиш ва тузилишини, сифат кўрсаткичларини тадқиқ қилиш” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Трикотаж ассортиментлари ва технологияси ривожланиши йўналиши таҳлили асосида белгилиб қўйилдики, тукли трикотаж тўқималарининг махсус физик-механик хусусиятлари, тузилиш ва нақш самаралари эвазига истеъмол талабини қондиришда маиший кийимлар, техникада ҳар хил масалаларни ечишда махсус кийимлар ва медицинада кенг фойдаланилмоқда.

2. Бир ва икки томонли пресс асосидаги тукли трикотаж тўқималари ва футер тукли трикотаж тўқималари трикотаж маҳсулотларини олишнинг янги усулларини яратиш имконини беради.

3. Икки томонли тукли трикотаж тўқимасининг тук ҳалқалари тўқимада шахмат тартибида жойлашган ресурсотежамкор технологиялари яратилди (Патент № FAP 00489). Натижада енгил тузилишли тўқима олиш имконини берди.

4. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тўқима юзасида тук протяжкалари миқдорини камайтириш; асос тўқима тузилишини ўзгартириш; тук ипларини асос тўқимага маҳкамлашнинг ҳар хил усулларини қўллаш; тукли тўқималарнинг ҳар хил турларини аралаштириш; кичик чизиқли зичликдаги иплардан фойдаланиш ҳисобига тукли трикотаж тўқимасининг юза зичлигини камайтириш имкони яратилди.

5. Трикотаж тузилиши элементларининг параметр ва хусусиятларга таъсири натижасида асос тўқима тузилишини ўзгартириш ҳисобига 10 % га; ипларнинг чизиқли зичлигини ўзгартириш ҳисобига 20 % га; ҳар хил турдаги иплардан фойдаланиш ҳисобига 10 % га ҳомашё сарфи миқдори камайишига эришилди.

6. Айлана трикотаж тўқув машиналарида эгиш жараёнида тук ипининг таранглигини камайтириш мақсадида, биринчи марта ўз ўқи атрофида айланиб, ҳаракатланувчи отбой ғилдиракчалари тавсия этилди ва бу тук ипининг эгиш жараёнида таранглигини 19% камайтириш имконини беради.(Патент № 00538)

7. Эгиш жараёнида тук ипи қамров бурчагини аниқлаш формулалари тавсия қилинган ва унинг ип таранглигига, эгиш чуқурлигига, отбой тишининг кўтарилишига боғлиқлиги назарий асосланган

8. Айлана трикотаж тўқув машиналарида тукли трикотаж тўқималари олишда ҳалқа ҳосил қилиш жараёнини яхшилиш мақсадида тук ипини қўйювчи мослама ва нақшли тукли трикотаж тўқималари олиш учун янги қурилма яратилди (Патент №IAP 04090). Бу нақш ҳосил қилиш имконини берди.

9. Тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга тавсия қилинганда кутиладиган истисодий самарадорлик 1 тонна пахта ипи қайта ишланганда 1 496 000 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.27.06.2017. Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

УБАЙДУЛЛАЕВА ДИЛОРА ХАМИДОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ПЛЮЩЕВОГО
ТРИКОТАЖА НА БАЗЕ ПРЕССОВОГО ПЕРЕПЛЕТЕНИЯ И
ИССЛЕДОВАНИЕ ЕГО СТРУКТУРЫ И КАЧЕСТВЕННЫХ
ПОКАЗАТЕЛЕЙ**

**05.06.02- Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент -2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Т475.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.titli.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz.)

Научный руководитель: **Ханхаджаева Нилуфар Рахимовна**
доктор технических наук

Официальные оппоненты: **Холиков Курбонали Мадаминович**
доктор технических наук

Абдурахимова Фазилят Абдуллаевна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Бухарский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится 9 июня 2018 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. Т.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности. (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория. тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована №35). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан 22 мая 2018 года.
(реестр протокола рассылки № 35 от 22 мая 2018 года.)

К. Жуманиязов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

А.З. Маматов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

С.Ш. Ташпулатов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике трикотажного производства достигнуты определенные успехи, при этом особое внимание уделяется совершенствованию способов управления технологическими процессами с целью обеспечения конкурентоспособности продукции и повышения эффективности производства текстильной промышленности. «В мире производится более 34 млн. тонн текстильных изделий, 1/3 которого составляют трикотажные изделия. В число стран, где наиболее быстрыми темпами развивается текстильная промышленность можно включить Восточную Азию, Южную Азию, СНГ, Зарубежную Европу и США».¹ В связи с этим, осуществление научных исследований по направлениям, включающим создание гибкой переналаживаемой автоматизированной системы управления технологией переработки хлопка-сырца, модернизацию, применяемых в настоящее время машин и оборудования, согласно установленных требований, разработку новых способов и направлений технологии переработки на высокопроизводительном, энерго- и ресурсосберегающем оборудовании, считается одной из важнейших задач.

В мире в трикотажном производстве большое внимание уделяется разработке высокоэффективных и энергосберегающих технических средств, и технологий. В этом направлении ведутся научно-исследовательские работы по разработке новых ассортиментов трикотажных полотен, исследованию их технологических параметров и физико-механических свойств, теоретического обоснования закономерностей их изменения, разработке математических моделей и методов прогнозирования, разработке технологических режимов для выработки трикотажных полотен из новых видов сырья, совершенствованию существующих техники и технологий с целью производства новых трикотажных полотен, расширению технологических возможностей машин.

В Республике уделяется особое внимание созданию высокопроизводительных технологических машин и оборудования, систем их управления для технологических процессов первичной обработки хлопка. В стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматривается «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...сокращение в экономике энергетических и материальных расходов, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий...»². При выполнении данной задачи важным является, в том числе, создание оптимальных технологий производства трикотажа, эффективного использования технологических возможностей оборудования с целью получения продукции заданного качества по начальным качественным показателям.

¹ <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/>

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 07 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан», ПП-2687 от 21 декабря 2016 г. «О программе мер по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017 - 2019 годы» и ПП-2692 от 22 декабря 2016 г. «О дополнительных мерах по ускоренному обновлению физически изношенного и морально устаревшего оборудования, а также сокращению производственных затрат предприятий отраслей промышленности», а также других нормативно-правовых актов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики по направлению: «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Вопросы снижения расхода сырья, повышения качества трикотажа, исследования строения и физико-механических свойств трикотажных полотен рассмотрены в научно-исследовательских работах таких ученых, как Е. Харима, С. Ерисуэ, М. Yamaoka Takashi, А. Pinar, К. Kopias, Р. Bernard Corbman, Linda Oscarsson, William K. Lie, Edward P и др.

Известны фундаментальные работы в области развития теоретико-методологических основ технологии трикотажа А.С. Далидовича, Л.И. Кудрявина, Б.С. Окс, В.М. Лазаренко, И.Г. Цитовича, А.А. Гусевой, А.А. Нешатаева, Г.М. Гусейнова, Г.Г. Савватеевой и научные труды проф. О.Н. Марисовой, М.М. Мукимова и др. посвященные исследованию влияния структурных элементов трикотажа на его свойства. По направлению эффективного использования местного сырья провели исследования такие ученые, как Ш.Р. Икрамов, Л.И. Петросова, Б.Ф. Мирусманов, А.Э. Исабаев, Н.Р. Ханхаджаева, К.З. Юнусов, Қ. Холиқов и др.

Надо отметить, что проведенные исследования охватывают только часть проблем, а научные исследования, посвященные вопросам снижения расхода сырья при выработке трикотажных изделий, разработке технологии получения ассортимента рисунчатого трикотажа со сниженной материалоёмкостью проведены недостаточно. Исходя из этого, важное практическое значение в производстве трикотажных изделий имеет проведение научных исследований в области разработки технологии получения рисунчатых прессовых трикотажных полотен, обладающих высокими показателями качества и сниженной материалоёмкостью.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Ташкентского института текстильной и легкой промышленности и отражается в проектах: ИК 2011-4-4 по теме «Разработка безотходных технологий выработки трикотажных изделий» и БА-3-18 «Внедрение ресурсосберегающей технологии получения двухслойного

трикотажа с высокой формоустойчивостью и улучшенными гигиеническими свойствами» (2017-2018).

Целью исследования является улучшение качества трикотажа и разработка ресурсосберегающей технологии путем совершенствования технологии получения плюшевого трикотажа на базе прессового переплетения.

Задачи исследования:

